

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>М.Холиқов, М.Мелиқўзиева</b>	
Балиқларда учрайдиган юқумли касалликлар.....	163
<b>И.Сиддиқов</b>	
Олий таълим муассасалари ходимларини бошқаришнинг замонавий усуллари.....	167
<b>И.Рахимов</b>	
Янги Ўзбекистонда маҳалла институтининг стратегик босқичлари.....	171
<b>Ф.Абдулбоқиев</b>	
Фарғона водийси демографик ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари.....	175
<b>М.Саидакбарова</b>	
Алишер Навоий жамият равнақи ва инсон омили ҳақида.....	179
<b>Я.Нишанов</b>	
Бадиий асарнинг миграция омиллари.....	182
<b>Г.Қосимова</b>	
“Бобурнома”да эпик баён ва лирик ифода.....	184
<b>Г.Орипова</b>	
Лирик композицияда қофиянинг ўрни.....	187
<b>Ш.Каримова</b>	
Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилшунослигида қўшма гапларга турли ёндашувлар.....	190
<b>Э.Ибрагимова</b>	
Сўзловчи муносабатининг эстетик функцияси.....	192
<b>Д.Рустамов</b>	
Мулоқот турлари классификацияси хусусида.....	195
<b>Г.Розиқова,</b>	
Маҳмуд Кошғарий “Девон” ида нон билан боғлиқ тушунчаларнинг лисоний ифодаси.....	201
<b>М.Алиева</b>	
Терминологик майдон бирлиги.....	204
<b>М.Абдураҳманов</b>	
Таржимада муқобилсиз лексиканинг айрим хусусиятлари .....	208
<b>Г.Исакова</b>	
“Қанотли сўзлар”да ватанпарварлик туйғуси.....	211
<b>С.Қурбонова</b>	
Прагматик тадқиқот асосларига доир.....	214
<b>Н.Ахмаджонов</b>	
Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида прецедент номларнинг ўрганилиши.....	217
<b>Х.Сотвалдиева</b>	
Халқ мақоллари ва маталлари, улардан дарс жараёнида фойдаланиш.....	221
<b>Р.Юлдашов</b>	
Педагогик ташхис – ўқитувчиларнинг узлуксиз малакасини ошириш воситаси.....	225
<b>М.Рустамов</b>	
Бурҳониддин ал-Марғиноний асарларининг ёшлар таълим-тарбиясидаги аҳамияти.....	228
<b>А.Тураханов</b>	
Техник тайёргарлик жараёнида спортчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш имкониятлари.....	231

#### ФАНИМИЗ ФИДОИЙЛАРИ

<b>Забардаст туркийшунос олим.....</b>	<b>234</b>
<b>Академик Шокир Қосимович Фармонов 80 ёшда.....</b>	<b>237</b>

## МУЛОҚОТ ТУРЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ ХУСУСИДА

## О КЛАССИФИКАЦИИ ВИДОВ ОБЩЕНИЯ

## ABOUT THE CLASSIFICATION OF TYPES OF COMMUNICATION

Д.Рустамов<sup>1</sup><sup>1</sup> Д.Рустамов— Андижон давлат университети, доцент,  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори  
(PhD).**Аннотация**

Мулоқот шахслараро ҳамда одамлар ва гуруҳлар ўртасида ўзаро алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришнинг мураккаб кўп ўлчовли жараёни бўлиб, унинг структураси ва функциялари, шахслараро англаш муаммолари, мулоқот жараёни, нутқий-психологик таъсир, муносабатларнинг ривожланиш динамикаси каби муаммоларни қамраб олади. Мулоқот тадқиқот предмети сифатида фақат унинг онтологик хусусиятларининг ўрнатилиши билан боғлиқ бўлибгина қолмай, бевосита амал қилиш шароити - инсон ва жамият алоқадорлигини ўрганиш билан аниқроқ мақомга эга бўлади. Ушбу мақола айнан шу масалаларнинг ечимига, хусусан, мулоқот тушунчасининг табиати, мақсади, ифода шакллари, йўналишига кўра таснифлашга қаратилган. Шунингдек, мақолада мулоқотнинг табиатига кўра таснифи асосида унинг психолингвистик (моддий, когнитив, кондицион, мотивацион, фаолият доирасига кўра) хусусиятлари ҳам тадқиқ қилинади.

**Аннотация**

Коммуникация – это сложный многомерный процесс установления и развития взаимных межличностных отношений между людьми и группами, охватывающий такие вопросы, как его структура и функции, проблемы межличностного восприятия, процесс общения, речевое-психологическое воздействие, динамика развития отношений. Коммуникация как предмет исследования не только связана с установлением ее онтологических особенностей, но и приобретает более точный статус благодаря изучению непосредственно действующего состояния – отношений между человеком и обществом. Данная статья посвящена решению именно этих вопросов, в частности, классификации понятия коммуникации по ее характеру, цели, формам выражения, направленности. В статье также исследуются психолингвистические (материальные, познавательные, условные, мотивационные, сфера деятельности) особенности общения на основе его классификации по характеру.

**Annotation**

Communication is a complex multidimensional process of establishing and developing mutual interpersonal relationships among people and groups, covering issues such as its structure and functions, problems of interpersonal perception, communication process, speech-psychological impact, dynamics of relationship development. Communication as a subject of research is not only related to the establishment of its ontological features, but also acquires a more precise status by studying the directly acting condition - the relationship between man and society. This article focuses on the solution of these very issues, in particular, the classification of the concept of communication according to its nature, purpose, forms of expression, direction. The article also studies the psycholinguistic (material, cognitive, conditional, motivational, scope of activity) features of communication based on its classification by nature.

**Таянч сўз ва иборалар:** мулоқот, коммуникация, прагматика, психолингвистика, когнитив, кондицион, мотивацион.

**Ключевые слова и выражения:** общение, коммуникация, прагматика, психолингвистика, когнитивный, условный, мотивационный.

**Keywords and expressions:** communication, pragmatics, psycholinguistics, cognitive, conditional, motivational.

XX асрнинг 50–60-йилларида хорижий тилшуносликда нутқий фаолият хусусиятларини ўрганадиган илмий йўналиш шаклланди. Ҳозирги кунда ушбу илмий муаммо фалсафа, мантиқ, психология, социолингвистика, когнитивистика, тилшунослик каби қатор соҳалар кесишмасида ҳал қилинаётгани тил фалсафасидаги замонавий тенденцияларни акс эттиради ва фанлар интеграцияси кўплаб амалий муаммоларни ҳал қилишга

жиддий таъсир кўрсатади. Шу тариқа, нутқий фаолият назарияси бўйича илмий тадқиқотлар замонавий парадигмаси лисоний ифоданинг мазмуни, коммуникант нияти ва тингловчини идрок қилиш, ўзаро таъсир мақсадидаги мулоқотнинг психофизиологик механизмлари асосида тадқиқ қилиш имконини беради.

Мулоқот шахслараро ҳамда одамлар ва гуруҳлар ўртасида ўзаро алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришнинг мураккаб

кўп ўлчовли жараёнидир. Инсон ижтимоий мавжудот сифатида жамиятда яшайди ва шунинг учун ушбу жамият аъзолари билан алоқа ўрнатиши керак. Мулоқот – бу, кенг тушунча бўлиб, унинг структураси ва функциялари, шахслараро англаш муаммолари, мулоқот жараёни, нутқий-психологик таъсир, муносабатларнинг ривожланиш динамикаси каби муаммоларни қамраб олади.

Мулоқот тадқиқот предмети сифатида фақат унинг онтологик хусусиятлари ўрнатилиши билан боғлиқ бўлибгина қолмай, бевосита амал қилиш шароити - инсон ва жамият алоқадорлигини ўрганиш билан аниқроқ мақомга эга бўлади. Деярли барча тадқиқотчилар томонидан мулоқот инсон фаолияти турларидан бири сифатида эътироф этилади. Ҳар қандай фаолият одамларнинг бир-бирлари билан тил орқали мулоқотда бўлишини, турли хил ахборот ва фикрлар алмашинуви каби мураккаб ҳамкорликни талаб қилади.

Б.Ф.Ломов мулоқотни субъект фаолиятининг алоҳида мустақил шакли сифатида кўриб чиқади [6,108-117]. А.Н.Леонтьев эса фаолият ва мулоқотга инсон ижтимоий ҳаётининг икки томони сифатида қарайди; айрим ҳолларда мулоқот ҳар қандай фаолият элементи сифатида тушунилади, иккинчиси эса мулоқот учун шарт сифатида қаралади. Ва, ниҳоят, мулоқот махсус фаолият тури сифатида талқин қилиниши ҳам мумкин [5,27-28]. Мулоқот – бу, одамлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришнинг кўп қиррали жараёни бўлиб, биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқади [8,280].

Мулоқот тушунчасининг табиати, мақсади, ифода шакллари, йўналишига кўра таснифлаш мезонлари қандай?

Кўпчилик тадқиқотчилар томонидан мулоқотнинг турли белгиларига кўра қуйидаги жиҳатлари эътироф этилади:

1. оғзаки - ёзма (нутқ шаклларига кўра);
2. диалогик-монологик (сўзловчи ва тингловчи иштирокига кўра);
3. шахслараро-оммавий иштирокчилар сонига кўра);
4. бевосита-билвосита (мулоқот воситаларининг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига кўра);

5. контакт - дистанцион (коммуникантларнинг маконда жойлашишига кўра)

В.И.Сафьянов мулоқотни табиатига кўра қуйидаги турларга ажратади:

- самарали (ижодий) ва самарасиз (расмий);
- мақсадга кўра - фойдали ва фойдасиз;
- йўналиш бўйича - гуманистик ва манипулятив;
- намоён бўлиш шакллари юзасидан - бевосита ва билвосита, расмий ва норасмий;
- самимийлик даражасига кўра - очиқ ва ёпиқ;
- фаолият соҳаси бўйича иш юзасидан, оилавий, спорт ва ҳоказо [9,24-32].

М.С.Каган контактли ва дистанцион (масофавий) мулоқотнинг ички хусусиятларига эътибор қаратади [4,23-28].

М.Ю.Горбунова масалага ижтимоий-психологик жиҳатдан ёндашади ҳамда мазмуний-таркибий жиҳатидан қуйидаги турларни ажратади:

1. Моддий (фаолият объектлари ва маҳсулотлари алмашинуви).
2. Когнитив (билим алмашинуви).
3. Кондицион (шартли - руҳий ёки физиологик ҳолатлар алмашинуви).
4. Мотивацион (мақсад, қизиқиш, эҳтиёжлар алмашинуви).
5. Фаолият доирасида (фаолият тури, жараён, малака, кўникмалар алмашинуви) [3,43-44].

Мулоқот таснифига оид материаллар ўзбек тилидаги илмий адабиётларда, хусусан, психологияга оид дарслик ва монографияларда кузатилган бўлса-да, нисбатан мукамалроқ илмий қарашларни учратмадик. Асосан, рус ва чет эл мутахассислари ишларига мурожаат қилинган. Ҳатто, бир ўринда тушунчанинг терминологик ифодасини нотўғри деб ҳисоблаймиз. М.Нурматованинг “Мулоқот ва муомала психологияси” ўқув-услубий қўлланмасида қуйидаги жараёнлар мулоқот босқичлари деб тавсифланади:

1. Ўз-ўзи билан мулоқот.
2. Бошқалар билан мулоқот.
3. Аждодлар билан мулоқот [7,7].

Бизнингча, бу ўринда “мулоқот босқичлари” атамаси мантиқан нотўғри қўлланган. Чунки босқич тушунчаси бир-бирини тақозо этадиган ва бир тизимнинг

яхлитлигини таъминлайдиган узвлар саналадиган жараёнлар тартибини назарда тутуди. Ваҳоланки, индивид адресат сифатида аждодлар билан мулоқот қилганда, яъни улар қолдирган бирор илмий, бадиий ёки бошқа турдаги адабиётни мутолаа қилганда, юқоридаги биринчи ва иккинчи тур мулоқот шаклларини ўтаган бўлиши шарт эмас.

Бу эса ўрганаётган мавзуимиз ўзбек илм-фани олдида турган долзарб йўналишлардан бири эканлигини кўрсатади.

Масалага турлича ёндашувларни ўрганиш асосида мулоқотнинг характерли жиҳатларини қуйидаги жадвал орқали жамлашга ҳаракат қилдик.

№	Мулоқот характери	Тури
1.	Ахборот узатиш усулига кўра	Вербал-новербал Бевосита –билвосита
2.	Сухбатдошлар иштирокига кўра	Шахслараро-оммавий монолог-диалог-полилог
3.	Табиатига кўра	Моддий (примитив) Фаолият доирасида Кондицион Когнитив Мотивацион
4.	Йўналишига кўра	Расмий-норасмий Гуманистик-манипулятив Параллел – бошқарувли
5.	Маконга кўра	Контакт –дистант
6.	Замонга кўра	Синхрон-диахрон

Мулоқотнинг табиатига кўра таснифи асосида унинг психолингвистик хусусиятларини тадқиқ қилишга ҳаракат қиламиз.

**1. Моддий.** Бу ўринда моддийлик тушунчаси рамзий маънода бўлиб, оддий турмуш тарзидаги кундалик эҳтиёжларга оид кичик мулоқотдан тортиб, то мураккаб иш жараёнларигача қамраб олади, яъни инсон биологик-ижтимоий индивид сифатида ҳар бир жабҳада: дўкандан нон оладими, боласини мактабга олиб борадими, театрга борадими, уй курадими, ўқийдими, ишлайдими, – эҳтиёжнинг катта-кичиклигидан қатъий назар, жамият аъзолари билан мулоқотга киришишга мажбур.

– *Одам минг йиллардан бери яхши яшай деб интилади, курашади, меҳнат килади, заҳмат чекади. Бугунга келиб у сал тузук яшай бошласа, нимага ҳайратда қолишимиз керак, тушунмайман? – У яна Зиёхоновга қаради:*

– *Хўш, нима қиламиз, директор?*

– *Нима қилайлик, айтинг. Пахтанинг нархини туширасизми, планни камайтирасизми, шамолни тўхтатасизми? Ёки совхозимиз территориясидан бир хазина топиб берасизми?*

– *Буларнинг ҳаммасини ҳам ўйлаб кўриш керак, – деди Ориф ака. Кулиб*

*турган Зиёхоновнинг бирдан қоши чимирилди.*

– *Хазиналардан бири бўлса, мана, ёнингизда ўтирибди. Сиз унга чой ташитиб юрибсиз (Асқад Мухтор. “Чинор” романи).*

**2. Когнитивлик (ёки когниция).** Фалсафа ва психологияга оид тушунча бўлиб, идрокни ўрганиш - билиш тушунчасига асосланган ҳолда онгимизда ахборотни қайта ишлаш жараёни. Когнитив тилшуносликда инсон онгидаги когнитив тузилмалар ва жараёнлар намунавий конструкциялар вазифасини бажаради. Сепир, Уорф, Н.Хомский ва бошқаларнинг лингвистик тадқиқотлари тил ва тил ташувчиси бўлган инсоннинг дунёни идрок этиши ва тушунтириши билан тилнинг грамматик структураси (чуқур ва юзаки тузилиши) шаклланиши ўртасидаги боғлиқликни тушунишга олиб келди. Натижада тил жараёнлари ва лингвистик моделлар (масалан, семантик майдонлар) когнитив психологиянинг ўрганиш доирасига қатъий кириб борди [1,39].

Мулоқотнинг **КОГНИТИВ** жиҳати хусусида сўз борар экан, ушбу терминни кенг ва тор маънода қўллашга эҳтиёж сезилди. Кенг маънода, миллий онгда мавжуд тил бирликларининг семантик структураси ижтимоий когниция маҳсули бўлиб, билим ва

лисоний кўникмалар мажмуининг маъзи сифатида инсон онгида шаклланади ва мавжуд бўлади. Шу тариқа, реципиент адресат фикрини онгида “ҳазм қилади” ва жавобан коммуникатор функциясини бажаришга киришади. Тор маънода эса, педагог-ўқувчи, лектор-талаба, доктор-бемор, устоз-шогирд, ёзувчи-китобхон каби мулоқот жараёнларида, асосан, бир томонлама когниция амал қилади, яъни реципиент мулоқот мазмунини ўзлаштиради ва янги билим ҳосил қилади. Бундай ҳолатда когниция даражаси ҳар икки томоннинг узатиш - қабул қилиш лаёқатига боғлиқ бўлади. Шунингдек, суҳбатдош орқали жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ҳолат, бирор инсон ҳақида қандайдир янги маълумот, имтиҳон қачон бошланиши ёки нарх-наво борасидаги маълумот каби ахборотларга эга бўлиш ҳам когнитив мулоқот натижаси ҳисобланади.

**3. Кондицион.** Шартли ёки ҳиссий мулоқот - шахслар ўртасида ҳиссий ҳолатлар алмашинуви. Масалан, хафа ҳолдаги дўстни хурсанд қилиш ёки йиғлаётган қизини юпатаётган она – булар ҳиссий мулоқот намунаси. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, тадқиқотчилар, асосан, ижобий ҳиссий энергия узатиш (юпанч, таскин, овутиш, кўнгилни кўтариш каби) жараёнини таҳлилга тортадилар. Ваҳоланки, коммуникантлараро мулоқот доирасида адресатга нисбатан салбий ҳиссий оқим узатувчи ҳолатлар ҳам кўп учрайди.

*Онамиз пешонасида ўтирмиш Барчин хола:*

– Қани, Оймомо дўстим, бундайгина... машқингиз паст? – дея кўнгил сўради.

– Шундай, ўзим... – дея маъюсланди онамиз.

– Ай, дўстим, сўраганнинг айби йўқ... у ёқ-бу ёққа югурияпсизларми?

– Ҳа, вақти-вақти билан.

– Вақти деб ўтирасизларми? Иш адо бўлармиди! Уёқ-буёққа чопингизлар, кўрсатингизлар-да!

– Бориб турибмиз.

– Вой бечора-е, вой бечорагина-а! – деди.

– Ҳазратимни зиёрат қилдик. У киши оҳларимни эшитдилар шекилли, кўнглимга умид солдилар...

– Вой шўрпешона-е, вой шўрпешонагина-а! – деди Қиммат момо.

– Иннайкейин, Ҳожар кўрга фол очирдим...

– Вой шўринг кўргур-ей, вой шўргинанг кўргур-е! Шунча сарсон-саргардон бўпти-я!.. – деди Қиммат момо.

Онамиз кўкрагига тушмиш рўмоли учини елкасига тирсаклаб ташлади. Бир бош узум олиб, Қиммат момога қаратиб отди.

Онамиз забт билан жойидан турди. Қиммат момони юлмоқчи бўлди, юмма-юмма юлмоқчи бўлди. Афсуслар бўлсинким, Барчин хола онамизни ушлаб қолди. Тирсагидан етаклаб, холисроққа олиб бориб ўтирғизди.

– Балчиққа тош отсанг, бетингга сачрайди! Қўйинг, дўстим, шунга тенг бўлманг! – деди.

Онамиз рангида қон қолмади. Олисдан чопиб келмишдай ҳансиради. Қўллари совқотмишдай қалтиради. Тиззаларига пешонасини қўйиб, хўнграб йиғлаб юборди... (Тоғай Мурод. “Ойдинда юрган одамлар”)

**4. Мотивацион.** Коммуникант(лар)ни бирор фаолиятга ундаш, рағбатлантириш, руҳлантиришга қаратилган мулоқот.

*Менга қаранг, Эргаш, сиз... Шивилғонга қайтиб боринг.*

*Эргаш кўзини пирпиратиб, тушунмагандек, савол назари билан қаради.*

– Қайтинг, ҳа. Бутунлай.

– Ҳазиллашманг, Ориф ака.

– У ерда баъзи кекса боғбонлар бор.

*Мансур отани ҳам қайтарамиз. Кучларинг етганча боғларни тикланглар.*

*Сумбултомчиликларни ҳам аста-секин қайтарамиз.*

– Ориф ака! Райком ака! Чинингизми?

– Айтгандай, бола-чақа қалай, соғ-саломатми ҳаммаси?

– Ҳа.

– Олиб кетинг барини. Уйларни, чайлаларни тузатиб олинглар. Кейинроқ боғларни бориб кўраман. Пул-мул қалай?

– Э-э, пул керакмас менга! Кунимиз ўтар. Бахтимизга ўзингиз келиб қолибсиз, ака, раҳмат! Шивилғонни яна гуллатмасам, раҳматлик отам мендан ризо бўлмасин (Асқад Мухтор. “Чинор” романи).

Инсон, хусусан, касб-кор борасида ўзи хоҳлаган, ёқтирган фаолият билан шуғулланмаса, руҳан тушкунликка тушиши ёки ўз-ўзини мажбурлаши ортидан руҳан шикастланиши мумкин. Мана шундай ҳолатда, ўзи севган фаолият билан шуғулланишга рағбатлантирилса – бу, унга мотивация беради, илҳомлантиради. Ушбу дискурсив

вазият орқали, Эргашдек тоғ қишлоғида туғилиб ўсган, суяги боғдорчиликда қотган йигитнинг мажбуран чўлга, пахта етиштиришга мослаштирилган хўжаликка кўчирилиши унинг учун фожиа эди. Янги раҳбар Ориф ака томонидан унинг ўз қишлоғига қайтариллиши, боғдорчиликни қайта тиклаш ҳақидаги маслаҳати унга куч беради, ҳатто бу ҳаракатини оқлаши мумкин бўлган марҳум отасининг руҳи ҳам рози бўлишини ўйлаб, хурсанд бўлади.

**5. Фаолият доирасида.** Тил абстракт белгилар тизими сифатида дискурста ҳақиқатан мавжуд бўлади. Мулоқот маълум бир жойда маълум бир ижтимоий шароитда инсон фаолияти жараёнида содир бўлиши аниқ.

Инсон ҳамма нарсани билиб туғилмайди. Бола атрофидагилардан, яқинларидан ҳаёт учун зарурий хатти-ҳаракатларни секин-аста ўрганиб, ўзлаштириб боради. Бу кўникмалар, албатта, кундалик яшаш тарзи орқали кузатувлар, ўзаро мулоқотлар натижасида шаклланиб боради. Айтайлик, бола дастлаб кўриш, эшитиш, ҳид билиш орқали дунёни англай бошлайди, кулади, йиғлайди, турли қилиқлар қилади, кимгадир эргашади, кимдандир қочади ва ҳоказо. Ва мана шу ҳаракатлардаёқ эмоционал мулоқот элементларини кўришимиз мумкин. Одам боласи оила, боғча, мактаб, кейинроқ иш жараёнларида муайян ижтимоий муҳит доираларида ижтимоийлашиб, зарур инсоний хусусиятларни шакллантириб боради.

*Ҳаловат хола нонни ёпиб олгач, қолган иккита кулчани кўрсатиб: "Келинжон, мана шуларни ёпинг, ўрганиб кетасиз",- деди. Келин юз-кўзини рўмол билан ўраб, кулчаларни ёпиб, тандир ичига қараса, шунча жой туриб икки кулчани устма-уст ёпиб қўйган эди.*

- Ойижон, бунча уқувсиз бўлмасам, ҳеч ишни эпполмаяпман-ку, - деди йиғламосираб ораси оппоқ пишган кулчаларни кўрсатиб.

- Қўйинг, хафа бўлманг, ҳали ҳаммасини ўрганиб кетасиз. Сиздек пайтимда мен ҳам кўп қийналганман. Одам қилган ишни одам қилади. Фақат кунт билан, чин юракдан қилиш керак, - дея келинини юпатди Ҳаловат хола.

Эртасидан бошлаб келинчак астойдил ишга киришди. Тонг қоронғисида Ҳаловат холанинг кўйлагини кийиб, рўмолини ўраб сигирнинг ёнига борган эди,

*сигир бузоғини ялаганча индамай турди. Бир пасда ярим челак сут соғилди (Интернетдан).*

Юқоридаги барча функциялардан ташқари, мулоқот яна бир муҳим функцияни - **ижтимоийлашув** функциясини ҳам бажаради. Мулоқот жараёнида бола ижтимоийлашади, яъни бирон-бир дарсликда тасвирлаб бўлмайдиган тажриба, қабул қилинган меъёр ва қоидаларга мувофиқ жамиятда ўзаро муносабат кўникмаларини ривожлантиради [3,43-44].

Мулоқотнинг система сифатида яхлитлиги масаласи унинг ички ва ташқи механизмлари, коммуникатив, интерактив ва перцептив жиҳатлар уйғунлиги, коммуникантлар билан боғлиқ социопсихоллингвистик тўсиқлар муаммоси, ўзаро муносабатлар, ситуатив муносабат каби қатор жиҳатларни ўрганишни тақозо этади. Ф.Э.Васильюк, М.В.Галимзянова, А.М.Щетинина, А.Н.Пронина ва бошқалар шахсининг ғам-ташвиш ва ҳис-туйғуларининг педагогик-психологик жараёнларга таъсирини тадқиқ этганлар.

Прагмалингвистик контекстда, кўпинча, коммуникант ҳиссиётларини яширишга уринади. Одатда, ўз ҳис-туйғулари ифодасини бошқариш уч шаклда амалга оширилади:

1) **Бостириш**, яъни тажрибали кишининг ҳиссий ҳолатлар ифодасини яшириши;

2) **Маркировка**, яъни ҳозирги пайтда бошдан кечирмаган ҳис-туйғулар ифодасини аввалбошдан кечирган ҳиссий ҳолат ифодаси билан алмаштириш;

3) **Симуляция**, яъни аввал анланмаган ҳиссиётлар ифодаси [2,236].

Қуйидаги мисолда ўз ҳиссий ҳолати ва мақсадини яширишга уриниш маркери мавжуд.

*Сўнғи марта Онабиби унинг товуши қалтираб кетганини сезди.*

- Бозорқул ака, нима бўлди?– деди кўзига тикилиб.

*Шу вақтгача қиз боладек шўх, эрка Онабиби Бозорқулнинг олдида биринчи марта шундай жиддий қиёфада турарди. Бозорқул чиркин хаёл билан қўлга тушгандек, оқаринқираб кетди.*

- Ҳеч гап йўқ... Ҳеч... Ҳеч... ҳеч нима бўлгани йўқ, – деди у тутилиб. – Бегимиз сурувларини Кўҳиқофнинг нариги томонига ҳайдамоқчи.

- Ҳа, нима бўпти?

– Ҳеч нима.

Улар узоқ жим қолдилар. Онабиби кувиси билан овора бўлади, лекин иши юришмайди.

– Кўҳиқофнинг у ёғида нима бор экан?

– У томонда... у ёғи бегона юрт.

– Ҳа-а... Хўш, нима бўпти?

– Ҳеч нима.

Онабиби бундан ҳеч хавотир оладиган нарса топмайди-ю, лекин яна қўли ишга бормади, кўнглидан ваҳима аримайди.

– Гапирсангиз-чи! – дейди у тоқати тоқ бўлгач, бақириб.

– Нимани гапирай?..

– Нимани ўйлаяпсиз? Сизга нима? Ҳайдатса ҳайдатаверсин!.. Бегингиз ўзига бек.

– Чўпон-чўлиқ саралаяпти.

– Ким?

– Бек-да.

– Ҳа, нима бўпти?

– Ҳеч нима...

Онабиби шундагина бу “ҳеч нима”да гап кўп эканлигини бирдан пайқади. (Асқад Мухтор. “Чинор” романи)

Коммуникатор воқелик ҳақида қисман ахборот бергандек бўлади, фикрларини узуқ-юлуқ ифодалайди-ю, лекин ўзининг эмоционал муносабатини, ҳақиқий мақсадини, яъни бек билан бирга кетмоқчилигини яширишга ҳаракат қилади. Берилган маълумотлар адресат онгида синтез қилинади ҳамда эрининг физиологик ҳолати: ранги оқаринқираши, тутилиб гапириши, жим туриб қолиши, ўйланиб қолишлари ва Онабиби ўз ички интуицияси, ғайритабиий кечинмалари орқали масаланинг моҳиятини тушуниб олади: Онабиби шундагина бу “ҳеч нима”да гап кўп эканлигини бирдан пайқади.

Назарий жиҳатдан шундай хулосага келиш мумкинки, ушбу дискурсив вазиятда когнитив ва кондицион жиҳатлар синтези кузатилади, яъни ҳис-туйғулар алмашинуви (гарчи уни яширишга уриниш бўлса ҳам) орқали когнитив жараён юзага келган.

#### Адабиётлар:

1. Баксанский О.Е. История и современное состояние когнитивного подхода // Актуальные проблемы современной когнитивной науки. – Иваново, 2012.
2. Врыганова К.А. Маскировка положительных эмоций человека в англоязычном художественном тексте // Актуальные проблемы современной когнитивной науки. – Иваново, 2012.
3. Горбунова М.Ю. Социальная психология. / М.Ю. Горбунова. – М.: Владос-пресс, 2006.
4. Каган М.С. Мир общения: Проблема межсубъектных отношений. – М.: Политиздат, 1988.
5. Леонтьев А.А. Психология общения. – 3-е изд. – М.: Смысл, 1999.
6. Ломов Б.Ф. Проблема общения в психологии / Хрестоматия по психологии. – М., 1987. [Электронный ресурс: <https://studfile.net/preview/1725429>]
7. Нурматова М. Мулоқот ва муомала психологияси. Ўқув-услугий қўлланма. – Самарқанд, СамДЧТИ, 2016.
8. Петровский А.В. Психология: учебник для вузов. Учебник для студентов высших педагогических учебных заведений. – М.: Издательский центр Академия, 1998.
9. Сафьянов В.И. Этика общения: Учебное пособие. – М.: Мир книги, 1998.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).